

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 146 (4862).

26

ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА

1973 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МАШИНАЛАРНИ ТЕРИМГА БАРВАҚТ ТАЙЁРЛАЙМИЗ

Далаларимизда мўл пахта ҳосили етиштирилмоқда. Ҳосилини тезда йиғиштириб олиш ва тайёрлов пунктларига жўнатиш механизаторлар зиммасига ҳам юксак мажбуриятлар юклатилган. Биз механизаторлар, ҳосилининг 80 процентини «зағори кема»ларда йиғиштириб олишга сўз берганимиз. Шунинг ҳисобига олиб, машиналар ремонтини тезроқ теримга шай қилиб қўйиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Устахонада: эртадан кечгача иш қилинган. Ҳар бир «зағори

кема» капитани ўзи бошқариб, «пўлат от»ларини сифатли ремонтдан чиқариб қўймоқда. Маҳмуд Жўраев, Эргаш Давлатов, Малик Субонов, Жамил Нуров каби механизаторларнинг ишдан хурсандимиз. Улар ўзлари бошқариб турган машиналарнинг белгиланган графикадан олдин ремонтдан чиқариб, ҳаммасоғларига яқиндан ердан бериштирилган.

Колхозимизнинг 1650 гектар еридаги гўзаси машинабон қилиб ўстирилади. Бу майдонларда 39 «зағори кема» жавлон уради. Ҳар бир теримчи ўз

кучи, имкониятини ҳисобга олиб, 120—150 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олади. Социалистик мажбуриятни бажариш учун теримнинг дастлабки куниданоқ машиналарнинг иш умумдорлигини оширади.

Терим машиналаридан 25 таси тўла қўлдан чиқди. 83 протектордан 60 таси тайёр. Қўрай қувийдиган машиналар ҳам ремонтдан чиқарилиб тахт қилиб қўйилди.

Пак ВЛАДИМИР, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг бош инжениери.

БУНЁДКОРЛИК ОДИМЛАРИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1973 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Батан 7 процент кўпайди. Меҳнат умумдорлиги 5,4 процент ортди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришнинг 80 процентига меҳнат умумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Саноат айрим тармоқларининг маҳсулот ишлаб чиқариши 1972 йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан кўпайди: электр энергетика 5 процент; ёнгил сааноати 6 процент; қора ва рангли металлургия 6 процент; химия ва нефть химияси сааноати 10 процент; машинасозлик ва металл ишлаб чиқариш 12 процент; ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза қороз сааноати 5 процент; бинокорлик материаллари сааноати 8 процент; енгил сааноат 3 процент; озиқ-овқат саано

ати 3 процент, маданий, манший моллар ва рўзгор ашёлари ишлаб чиқариш 10 процент кўпайди.

Барча иттифодлар ва иттифок республика сааноат министрликлари ҳамда барча иттифодлар республикалари биринчи ярми йиллик планини ошириб бажардилар.

СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида умуман мамлакатда маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қандай борганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилди. Мана улардан баъзилари. 1973 йилнинг биринчи ярмида 449 миллиард киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилди. 203 миллион тонна нефть, 117 миллиард куб метр газ, 335 миллион тонна кўмир,

шу жумладан 86,5 миллион тонна коксанувчи кўмир қазиб чиқарилди; 47,1 миллион тонна чўян; 65 миллион тонна пўлат; 51,5 миллион тонна қўра металллар прокати, шу жумладан 45,4 миллион тонна тайёр прокат; 1113 миллион метр (7 миллион тонна) қувур ишлаб чиқарилди; 106 миллион тонна темир-рудаси қазиб чиқарилди; 35,4 миллион тонна шартли бирликларда минерал ўғит, таркибидан тўйимли моддаларни 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда 8,6 миллион тонна минерал ўғит; 172 минг тонна ўсимликларни химия қилишнинг химиявий воситалари, таъсир қилувчи кучи 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда 101 минг тонна шундай хи-

миявий восита; 1,1 миллион тонна синтетик смола ва пластик масса; 401 минг тонна химиявий тола; 20,7 миллион дона автопокришқа, 7,1 миллион киловатт турбина, 7,9 миллион киловатт турбиналарга генераторларга, 20,7 миллион киловатт ўзгарувчан ток электр двигателлари; 105 минг дона (610 миллион сўмлик) металл қирқич станоклари орасида — соғлиқни рағбатини бошқарув станоклари 1,8 минг дона ишлаб чиқарилди.

Йилнинг биринчи ярмида 23,2 минг дона (159 миллион сўмлик) темирчилик-пресслаш машиналари; 1,6 миллион сўмлик автоматлаштириш воситалари приборлари ва уларнинг запас қисмлари, 727 миллион сўмлик ҳисоблаш техни-

каси воситалари ва уларнинг запас қисмлари, 168 минг тонна; металлургия ускуналари, 476 дона кўмир тозалайдиган комбайнлар; 219 дона қонга йўл очадиган комбайнлар; 222 комплект кўмир шахталарида тозалаш ишлари учун комплекслар ва механизациялаштирилган креплар; 80,1 минг тонна нефть аппаратлари; 314 миллион сўмлик химиявий ускуналар ва уларнинг запас қисмлари; 774,7 минг дона автомобиллар, шу жумладан, 309,1 минг дона юк автомобиллари, 437,3 минг дона енгил автомобиллар, 28,3 минг дона автобуслар; 250 минг дона тракторлар; 1441 миллион сўмлик қиллоқ хўжалик машиналари; 50,9 минг дона қалла комбайнлари; 4,5 минг дона маккажўхори йиғиштириш олувчи комбайнлар, 4,1 минг дона

(Давоми 2-бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ КИЕВГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 25 июлда Киевга келди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Э. Н. Нуриев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ғайблар министри Г. С. Золотухин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов бу ерга келдилар.

Вокзалда ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шербинский, Украина ССР Олий Совети Президиумининг раиси И. С. Грушецкий, республика министрлар Советининг раиси А. П. Ляшко, Украина Компартияси Киев области Комитетининг биринчи секретари А. П. Ботвин, Украина Компартияси Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзолари ва аъзоларига кандидатлари, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари, Украина ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, Киев области, шаҳри ва Киев шаҳридаги районлар партия ҳамда совет органларининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЕТТИ ОЙЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН АВВАЛ

Ўзбекистон саноат ҳодимлари беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили топириқларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун бошланган социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулотни реализация қилишнинг умумий ҳажми ва энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1973 йилнинг етти ойи учун белгиланган планни муддатидан аввал 25 июлда бажардилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ХУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

САНОАТЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили план топириқларини муваффақиятли адо этиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдириб, Тошкент области ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари маҳсулот реализация қилиш ҳамда асосий маҳсулот ишлаб чиқариш етти ойлик планни муддатидан илгари 25 июлда шараф билан бажардилар. Ой охиригача пландан ташқари ўнлашча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

МЕХНАТ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР қурилиш материаллари саноати министрлигида қарашли корхоналарнинг коллективлари беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили планни муддатидан илгари бажариш учун бошланган Вутунитифок социалистик мусобақасига қўшилиб, 24 июлда маҳсулотни реализация қилиш етти ойлик планни бажардилар. 104,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, Мақдур соҳа ҳодимлари шу ой охиригача қадар планга қўшимча равишда кўп миқдорда маҳсулот тайёрлашни мўлжалламоқдалар. Бунинг натижасида етти ойлик планнинг бажарилиши 104,5 процентга етди. Ўсиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14,3 процент ортқ бўлади.

(ЎзТАГ).

ГАЗЕТАНИНГ 1 ВА 3-САҲИФАЛАРИДА ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИРРИГАЦИЯЛАШ ВА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ КИРОВ НОМЛИ ЎҚУВ-ТАҶРИБА ХЎЖАЛИГИДА ОЛИБ БОРАЁТГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ.



„ОҚ ОЛТИН“ ДАЛАЛАРИ

БИР ВАҚТЛАР бу ерларнинг тўқай ва ботқоқликлардан иборат эканлигига ҳозир энди ҳеч ким ишонмайди. Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номида совхознинг 4 ва 5 бўлимлари деҳқонлари бу ерларда не машаққатлар билан пахта етиштирган. Тупоқнинг ўта заҳматлиги, қалин ақриқ ва қамши деҳқоннинг тинчасини қуритган. Гўза ниҳолларини бўғиб қўзғилди. Бу бўлимлар совхозини дом олдига туртиб келган. Ахир тўқайликларда етиштирилган энг юқори пахта ҳосили 12 центнердан нари ошмасди-да!

1964 йилда ана шу ботқоқлик ерларда Тошкент ишлов хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг ўқув-тажриба хўжалиги ташкил топди. Институт олимлари, мутахассислар дастлаб далага чиқиб, жиддий ўйлашни қилишди. Бу ёввойи ерларни қандай қилиб «ҳаёс»га айлантириш мумкин, деган савол ҳаммамий ҳаёлини банд этган эди.

...Ҳа, бу осон иш эмасди. Олдинда турган

қийинчиликларнинг поёни йўқдек қўрқинарди. Фан, айнан фангина бу қаттиқ жумбоқни очиб бериши керак, биз олимлар ана шу ерда фангина куч-қудратини амалда намоён этишимиз лозим бўлади, дейишди ўшанда янги соҳиблари. Ёнг шимариб ҳайран ишга киришди.

Даставвал 600 гектар ўқир-қўнқир ерлар капитал планировка қилинди. Майдонлар 35—38 сантиметр чуқурликда қайта-қайта чуқур ҳайдаб, юмшатилади, Бегона ўтга қирин курашда гербицидлар, айниқса, катта самара берди. Эндигина ташкил топган ўқув-тажриба хўжалигида ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш масаласи жиддий проблема бўлиб турарди. Катта-катта массивларда сизот сувларини қочириб, ер заҳлаши олдини олиш ва сув исрофгарчилигига йўл қўймайлик керак эди. Бу масала билан институтнинг гидрогеология кафедрасининг олим ва мутахассислари синчковлик билан шуғулланишди. Махсус харита тўзиб чирилди.

Ўқув хўжалигида барча ишлар институт олимлари — республикада хизмат кўрсатган ирригатор Г. А. Хорос, СССР Давлат мунофитининг лауреати А. Н. Ляпин, республикада хизмат кўрсатган ер тўзувчи И. К. Баранов ва «Ўзгипроводхоз»нинг бўлим mudри Колхоз



ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг ўқув-тажриба хўжалиги далалари. Бир неча йиллардан буён хўжалик пахтазорларида гўза баргини тўқтиришда самарали ишлатиб келинаётган «ОВХ-14» агрегати дефляцияли олдидан яна синая кўриломоқда. Институт олимлари ва ўқув хўжалиги мутахассислари агрегатнинг иш жараёнини енгичлаб кузатмоқдалар. Суратда: мутахассислар институт ректори С. П. Пулатов (чапдан иккинчи) раҳбарлигида «ОВХ-14» машинаси ишини кузатмоқдалар.

А. АБАЛАН фотолари.

лар, олимлар меҳнатидан бу ерларнинг қиёфаси таниб бўлмак даражада угаариб кетди. 1093 гектар пахта майдонидан йилдан-йилга мўл ҳосил кўтариломоқда. Ўтган йили хўжалик пахтазорлари бу ерларда қали қўрилмаган мўл пахта ҳосили етиштирилди. Батан ҳақнасига плаидати 2300 тонна ўрнига 3044 тонна «оқ олтин» тўқилиб, план 132,34 процент бажарилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 27,9 центнерданга тўғри келди. Ҳосилдорлик-фақат сўнгги икки йил ичда 7,2 центнерга ошди.

Бу йил беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида хўжаликда гектар бошига камида 32 центнердан хирмон кўтариш мўлжалланмоқда. Муҳиддин Назимов, Тоштемур Сулаймонов, Афросин Алиев, Саъдулла Нуржигитов сингари юқори ҳосилли бригадаларнинг аъзолари бу йил 35—40 центнердан ошириб «оқ олтин» хирмони кўтариш тарафдуда ғайрат билан меҳнат қилимоқдалар.

Ҳосилдорлик ошгани сари хўжаликнинг ишлаб чиқаришдан олаётган даражада ҳам тинмай ортб бормоқда. Агар 1970 йилда умумий даромад 42 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу йил у 245 минг сўмга тўғри келди. Янги олти мароғатга ошди.

(Давоми 3-бетда).

БҲНЁДКОРЛИК ОДИМЛАРИ

(Боши 1-бетдо).

дона картошка йиғиштириб олувчи комбайнлар, 6,8 минг дона силосоп экинлар йиғиштириб олувчи комбайнлар, 29,4 минг дона комбайнлар, 6,8 минг дона давлари йиғиштириб олувчи комбайнлар, 29,4 минг дона силосоп экинлар йиғиштириб олувчи комбайнлар; 22,7 минг дона бульдозерлар; 163 миллион кубометр иморатбон ёғоч (коххазлар тайёрланган ёғоч бу ҳисобга кирмайди); 3 миллион тонна целлолоза, 2,4 миллион тонна жоғоз; 53,9 миллион тонна цемент; 50 миллион кубометр йиғма темир-бетон тайёрланди.

3284 миллион квадрат метр ил газлама, 346 миллион квадрат метр жуи газлама, 404 миллион квадрат метр жуи газламадан тўғйиш газлама, 662 миллион квадрат метр шойи газлама; 8,7 миллионда сўмлик тикланган буюмлар; 340 миллион жуфт чарм пойабзал; 3,6 миллион тонна тўғйиш шиллаб чинарилган; 1,3 миллион тонна қолбаса маҳсулотлари; 597 минг тонна мод ёғи; 1,2 миллион тонна ўсимлик мойи; 17,1 миллион тонна омихта ем; 23,2 миллион дона соат; 405 миллион дона чини-фаянс идишлари; 122 миллион сўмлик сиртлик идиш; 4,3 миллион дона радиоприемник ва радиолар; 3,1 миллион дона телевизор; 2,7 миллион дона холодильник; 1,5 миллион дона ювчи машиналар; 461 минг дона мотоцикл ва мотороллер; 2,4 миллион дона велосипед ва мотопед; 1,8 миллион сўмлик мебель чиқарилди.

Корхоналарнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди.

Саноат маҳсулотининг таннархи қамайди. Умуман ҳалқ ҳўжалигини да саноатда фойда олиш йрим йиллик плани бажарилди. Саноатда фойда олиш 1972 йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан 11 процент ошди.

Саноатда ярим йиллик план умуuman бажарилгани ҳолда, корхоналарнинг бир қисми маҳсулотини реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва камгармаларни қўлайтириш юзасидан белгиланган тошхирларни бажармади. Каустик сода, олтингурут кислотаси, нефть аппаратлари, химиявий ускуналар ва уларнинг запас қисмлари, картошка йиғиштириб олувчи комбайнлар, иморатбон ёғоч, целлолоза, картон, қурилишбон гўшт, трикотаж буюмлар, чарм пойабзал, кир ювчи машиналари, электр пилесослар ва буюмларнинг бошқа бир қанча турларини шиллаб чиқариш плани тўлиқ бажарилмади.

Анчагина корхоналар маҳсулот шиллаб чиқаришнинг янада қўлайтириш резервларида ҳали тўлиқ фойдаланмаётган, шиллаб чиқариш қувватларидан, иш вақти ва хом ашёдан фойдаланиш соҳасида намчиликлар бор; айрим жойларда маҳсулотнинг зарур турларини сифатли қилиб шиллаб чиқариш таъминланмаётган.

Сўнгра СССР статистика бошқармаси ахборотида бундай дейилди: қишлоқ ҳўжалик хўдмалари қўнламини дала ишлари уюшққлик билан ўтказди. Қолхоз ва совхозлар қўнламини экин экин пилани муваффақиятли бажарилди. Баҳори бўғди, дон учун макендир, хори, шол, қанд далаги, чигит, картошка ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари экин пилани белгиланганидан қўн экинди.

Мамлакатда 1973 йил ҳосили учун 214,5 миллион гектар майдонда экин экинди. Бу эса ўтган йилдаги нисбатан 3,8 миллион гектар кўпдир. Донли экинлар, яъни далаги, пахта, қунабонлар, картошка, сабзавот ва бошқа бир қанча қишлоқ ҳўжалик экинлари майдонлари кенгайтирилди. Сўриладиган ва заҳи қозирилган ерларда экин майдонлари кенгайтирилди.

Пичан ўриш ва ех-хашак тайёрлаш ўтган йилдаги муваффақиятлар қўлиб бориюмоқда. Қолхоз ва совхозларда июль ойининг ўртасига пичан, сенаж, витаминли ўт талонини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпроқ тайёрланди. Озуқани силослаш иши ҳам активли билан авж олдириб юборилди.

Бир қанча районларда донли экинлар ҳосили оммавий равишда ўриб-йиғиш олинмоқда. Қўпгина қолхоз ва совхозларда бултургидан кўпроқ дон янчили.

Чорвачилик маҳсулотини етиштириш қолхоз ва совхозларда ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан: сўт 6 процент, тухум 13 процент кўпайди. Давлатга чорвачилик маҳсулотларини сотиш биринчи ярим йиллик ҳалқ ҳўжалик плани ошириб бажарилди.

Қишлоқ ҳўжалигининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди. Қишлоқ ҳўжалигидаги ишларнинг бутун комплексини риловлантиришга давлат ва қолхозлар 10,5 миллион сўм капитал маблағларини 1972 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 10 процент қўлайтирдилар.

Техника, минерал ўғитлар ва озуқабон фосфатларнинг энг муҳим турларини етказиб бериш ярим йиллик плани бажарилди.

Ҳамма турдаги транспортнинг

юк обороти 2,2 триллион тонна-километрга етди ва ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 8 процент кўпайди. Ҳамма турдаги транспортнинг пассажир обороти 299 миллион пассажир-километрга етди ва 6 процент кўпайди.

Ўтган йили давлат капитал маблағ ҳисобига 19,4 миллион сўмлик қўнмага эга бўлган асосий фондлар ишга туширилди. Ёки ишга туширилган асосий фондлар ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 13 процент кўпайди.

Ҳалқ ҳўжалигида давлат йўли билан ажратилган капитал маблағ 35,9 миллион сўмлик бўлди. Бу — ўтган йилнинг биринчи ярмида ўлаштирилган маблағлардан 6 процент орттири.

Пудрат қурилишмонтаж ташхиротлари ишларининг умумий ҳажми бўйича ярим йиллик плани 102 процент бажарилди; иш ҳажми 7 процент кўпайди.

Қолхозларро қурилиш ташхиротлари бажарган ишларининг ҳажми 10 процент ортди.

Қурилишмонтаж ташхиротлари пиланлаштириш ва иқтисодий раббатлантиришнинг янги системасига кўчириш давом этмоқда. 963 қурилишмонтаж трестли, уй-еозлик комбинатлари ва бошқа ташхиротлар янги системасига мувофиқ шиллаб турибди. Бу ташхиротлар ҳалқ ҳўжалигидаги пудрат ишлари умумий ҳажмининг 35 процентини бажармоқдалар.

Қурилишда меҳнат унумдорлиги 4,2 процент кўпайди. Қурилишмонтаж ишларининг таннархи қамайди. Олинган фойда 9 процент ортди.

Шу билан бирга, деб таъкидланади СССР Марказий Статистика бошқармасининг ахборотида,

асосий фондлар ишга тушириш ва капитал маблағлардан фойдаланиш пландари бажарилмай қолди. Бир қанча қурилиш ва монтаж ташхиротлари пудрат ишлари ҳажми, меҳнат унумдорлиги, фойда олиш ва қурилишмонтаж ишларининг таннархини қамайтириш юзасидан пиланда белгиланган тошхиротлари бажарилмади.

Ҳалқ ҳўжалигида ишчилар ва хизматчилар ярим йил мобайнида ўрта ҳисобда 96,2 миллион ишчи-ишчида иш ишди ва ўтган йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан 2,5 миллион ишчи, ёки 2,7 процент кўпайди.

Ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 133 сўм бўлди ва 1972 йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан 3,4 процент ортди. Иқтисодий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва йиғишларнинг қўлиб ҳисоблаганда иш ҳақи 179 сўм бўлди ва 3 процент кўпайди. Қолхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш 5 процент ортди.

Аҳолининг иқтисодий истеъмол фондларидан олган тўловлари да имтиёзлари 37 миллион сўм бўлди ва ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 4,5 процент ошди. Ана шу маблағлар ҳисобидан аҳолининг тежини ўқитиш, унга медицина ёрдами бериш, пенсия, нафақалар тўлаш ва социал таъминот бўйича бошқа қишмалар, стипендия бериш, санаторийлар ва дам олиш уйларида тежини ва имтиёзли путёвчалар бериш, магистрча бола-лар муассасаларини таъминлаш, отпусчалар ҳақини тўлаш ва социал-маданий хизматнинг бошқа турлари таъминлаб турилди.

Аҳолининг омонат қассалари-га қўйган маблағлари йилнинг би-

ринчи ярмида 3,6 миллион сўм кўпайди.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти 88,4 миллион сўм бўлди ва таққослаб олинган нархларда 5,5 процент кўпайди. Чакана товар обороти плани ярим йилда 100,5 процент бажарилди.

Совет Иттифоқининг ташхирот савдо обороти ярим йил ичида 14,4 миллион сўмдай аборат бўлди ва 15 процент кўпайди. Йилнинг биринчи ярмида давлат капитал маблағлари ва уй-жой қурилиш кооператив маблағлари ҳисобига дами таҳди 27 миллион квадрат метрдан ортти 605 минга янги пиланин квартиралар фойдаланиш учун тошхирилди. Бундан ташхирот қолхозлар, шунингдек аҳоли ўз маблағлари ҳисобига ва давлат кредити ёрдами билан қўн-қўн квартира ва янча тартибда уй-жойлар қуриб олди.

Давлат капитал маблағлари ҳисобига 96 минг урили янги умумий таълим мактаблари, 72 минг ўқитиш мактабига тарбия муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилди. Уй-жой ва маданий, маиший қурилиш ишлари ярим йиллик плани бир мунча бажарилмай қолди.

Шаҳар ва қишлоқларнинг обод қилиш соҳасида иш олиб борилади. Ярим йил ичида 1 миллион 700 миңдан ортти квартира газ билан таъминланди.

Ҳалқ маорифи, фан ва маданиятин, соғлиқни сақлашнинг риловлантиришда муваффақиятлар қўлга киритилди.

1973 йил 1 июлда Совет Итти-

фоқининг аҳолиси 249,7 миллион ишчида иш ишди.

(ТАСС).



ЛЕНИН партиясининг аъзоси, илгор пайвандчи Николай Соколов қўп йиллардан бўён «Чирчикилстрой» қурилиш бошқармасида фидокорона меҳнат қилиб келади. У ишлагган бригада қурувчилари беш йилликни 3,5 йилда адо этиш учун смена нормаларини 150 процентга етказиб адо этмоқдалар.

В. ТЮРГАШКИН фотоси.

МЕҲНАТ ГАШТИНИ СУРИБ

Шу куларда Оржоникдзе районидagi қолхоз ва совхоз деҳқонларининг пешона тери билан етиштирилган мўл ҳосил пешна-неш йиғиш олинган.

Бу соҳада «Маданият» қолхоз эришмаган ютуқларни қўлиб қатта сазовордир. Ҳўжаликнинг Озод Юнусов бошлиқ 3-бригадаси сабзавоткорлари бу йил давлатга 1300 тонна сабзавот тошхириб мажбурий-тин олганлар. Азаматлар етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли териб олиш учун ўзаро социалистик мусобақани қи-

антиб юборишган. Бригада аъзоларининг фидокорона меҳнати тўғйиш бригада шу кунга қадар 300 тоннадан энг по-зиш ва сабзавот ҳосилни давлатга тошхирди.

Бригаданинг ўсмон Дўмбоев, А. Азимов, М. Турдиметов, Ш. Изагуллаева каби меҳнатсавар аъзолари қўндалик нормаларини икки баравар бажариб, ўзаро мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

Эртати экиндан бўшган майдонлар ҳайдалиб кечки қараи учун жой ҳозирланмоқда. А. ЗОҲИДОВ.

ҒОЛИБЛАР

Тошхирдаги ўйинқорлар фабрикаси кичикнотлар учун турли хил маҳсулот шиллаб чиқармоқда.

Фабрикада олти ойлик план тошхирларни муддатидан илгари бажарилди. Ўтган вақт ичида 280 минг ўрнига — 280 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Меҳнатсавар коллектив ма-на бир неча йилларни, Боку шаҳридаги ўйинқорлар фабрикаси коллектив билан мусобақадор. Биринчи квартал натижалари бўйича Тошхир ўйинқоркорлари ғолиб чиқиди ва «Фабристон» енгил саноати министрига кўчма Қўнлай Байроқини қўлга киритиди.

Маикур фабрикада ҳақларро социалистик мусобақа қизғин тус олган. Бунда пластмасса пехи коллектив пешқадамлик қилимоқда.

Илгор пехда 20 дан орттиқ милаат навалари бир оила фарзандлариди ҳамжидатликда ишлай, смена нормаларини доғ-до ортти билан бажармоқдалар. Пехда олти ойлик план 102,7 процент қилиб адо этилди. М. Алимова, М. Ҳасанова, Ф. Олтигараева каби илгорлар коллективия қўндаларига мусоеб улуш қўшдилар. Қўпгина пех ишчилари рационализаторлар ҳамдир. Яқинда Ш. Мелик, М. Поиш, В. Зининлар киритган таклиф меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга ёрдам берди.

Фабрика коллективни ҳал қилуш ичида 500 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш учун сурьатта-сурьат қўлиб меҳнат қилимоқда.

Ш. НУРИЛЛАЕВ.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Тошхир область қурилиш трестли областининг районларини қўнла қилишда жуда катта ҳисса қўшмоқда. Трестнинг бир гурупи қурувчилари Бўстонлиқ, Чиноз, Бўка районлари, Келес Ҳиссасида янги тиндаги маиший хизмат қўрсатиш комбинатлари қўрмоқдалар.

Қўн кеча Келесда икки қаватли янги бино фойдаланишга тошхирилди. Бу бино бошқа билан қаватдан фарқ қилади. Икки

қаватли бинода келесликларга маиший хизмат қўрсатиш комбинати жойлашди. Эллиқ хизматчи кишиларнинг огирини енгил қилди. 15 хилдан орттиқ маиший хизмат қўрсатиди. Пойабзалдан тортиб, телевизионга, холодильникдан ийин-кечакларча — ҳаммаси ремонт қилинади бу ерда.

Бундай бино биринчи Келесда эмас. Чиноз район марказида ҳам қад қўтармоқда. Бу икки қаватли маиший хизмат

қўрсатиш комбинати шу йилнинг охирида ишга туширилади. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилушчи йилида эса бундай биродарларимизга ҳам янги тиндаги икки қаватли қўн-кам бино совга қилинади.

Чорвоқ ГЭСида ҳам уч қаватли 100 киши ишлайдиган маиший хизмат комбинати қад қўтармоқда. Бунда аҳолига 20 дан ортти хизмат қўрсатиди. Шундай бино Тўйтепада ҳам қад қўтарди.

ҚУВОНЧЛИ НАТИЖАЛАР, УЛКАН ВАЗИФАЛАР



ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

1972 йилнинг май ойидан 1973 йилнинг май ойигача бир йил давомида областинида ҳалқ ҳўжалигида ҳисобнинг аҳоли ва маданияти жамоат қўлиб бўлди. Бу қўнлик ўтказилган мақсад ҳисоб ишларида меҳнатчиларнинг ҳисоб ишларини қилиш, дастлаб ҳисоб ва ҳисоботни ташхирли етиштириш, ҳисоботни шиллаб чиқариш ва ҳисоботи етиш мўддатларини қисқартириш, ҳисобот сифатини яхшилашдан иборат эди.

Тошхир область икжонро комитети ва область қасаба союзулари Совети қўнлика яхуи ясади.

Дастлабни ҳисоб ва ҳисоботни йўлга қўйишда, меҳнатчилар жойи қилиш ва статистика органлари ҳамда юмори ташхиротлари барча ҳисоботлари ўз вақтида ҳамда сифатли ҳисоботи қўнлик таъминлашда энг яхши қўрсаткичларга эришган. Олмалиқ кон-металлургия комбинати биринчи даражали диплом ва биринчи мукофот берилди. Янгийўл районидagi «Ленин» қолхозини иккинчи даражали диплом ва иккинчи мукофот олишга сазовор бўлди. Чирчиқ электрхония комбинати, Ангрени керамика комбинати, Янгийўл пойабзал фабрикаси, Ғазалек тошга шилло берил комбинати, Ангренидаги «Узбекхотострой» трестли, Бекобод цемент комбинати, Южори Чирчиқ райониди-

ги «Политотдел» қолхозини, Оққўрғон районидagi «Заря коммунизма» қолхозини, Бўка районидagi «Бўка» совхозини, Бекобод районидagi 2-«Даврарзин» совхозини ҳамда даражали диплом ва мукофот берилди.

Тошхир область икжонро комитети ва область қасаба союзулари Совети ўз қарорларида шуни таъкидлашди, ҳисоб ва ҳисобот натижалари маданиятини ошириш бўйича ишларни қўнлик бўлиши ва қасаба союз ташхиротларининг област қорхоналарида, қурилишларида, қолхоз ва совхозларида ҳисобини яхшилаш бўйича ташхирот ишларини янада тақомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан бирдир.

Корхоналар, ташхиротлар, қолхозлар ва совхозлар рабарларида ҳисоб, ҳисобот маданиятини яхшилаш ва ҳисоб ишларини янада меҳнатчиларга бўйича ишларини давом эттириш тақлиф этилди.

Тошхир область статистика бошқармасига қорхоналар, қурилишлар, қолхозлар ва совхозларда ҳисоб ва ҳисобот аҳолини муқтазам тошхириб туриш ва бу муҳим ҳалқ ҳўжалик ишда содир бўладиган нукчаларни бартараф этиш учун чоралар қўриш мақсадида область икжонро комитети ва область қасаба союзулари Советига ўз вақтида ахборот бериб туриш вазифаси қўндалди.

Гуслера КОНОНБЕРДИЕВА областининг Оржоникдзе районидagi рўзгор буюмлари фабрикасининг тақрибали ишчиларидан. Меҳнат зарбдори қўп йиллик иш фаолияти давомида қўнлаб шогирдлар тайёрлади. Сўратда: Г. Кононбердиева шогирди Х. Саид-акбаровга қарор халталар тўқиш процессини ўргатмоқда.

Н. АБДУРАСУЛОВ фотоси.

Н. А. ЗЛОБИН МЕТОДИ АСОСИДА

Ўзбекистонда юздан ортти қурилиш бригадалари Н. А. Злобин йилида асосида шилламоқда. Илгийўл районидagi 6-трестга қарашли қурилишмонтаж бошқармасининг 8-Мўтазалиев бошлиқ бригадаси энг яхши бригадалардан бири-2. Бу бригада 56 квартиралар билан қурилишда ишлай, ҳар бир квадрат метр уй-жой майдонда қуриш учун меҳнат ҳаражати янги бир ярим баравар қамайтирди. Қасаба союз комитети трест ҳузурида москвалик дондор қурувчиларни оидошларига қўнлашувчи оператив гурупа ташхир қилди. (ЎзТАГ).

ОЗОДАЛИК ҚУРИ

Чирчиқ электрхония комбинатининг қасаба союзи комитети қорхона ҳақлари ва территорияси озодалиги ва санитариya қондаларига аниқ рўй қилинишига эришдилар. Арноқ-зоуларлари тартибга солишга, вентиляцияни тақомиллаштиришга ёрдам бердилар. (ЎзТАГ).

ФАН ВА ПАХТАЧИЛИК

...ФАН ВА УНИНГ КАШФИЕТЛАРИ ТАЪСИРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КЎЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БОШЛАНГАН БУРИЛИШ ТОБОРА КАТТАЛАШИВ ВА ҚУҚУРЛАШИВ БОРАВЕРАДИ. БИЗНИНГ ОЛДИМИЗДА... ФАН-ТЕХНИКА РЕВОЛЮЦИЯСИ ЮТУҚЛАРИ БИЛАН СОЦИАЛИСТИК ХЎЖАЛИК СИСТЕМАСИ АФЗАЛЛИКЛАРИНИ УЗВИЙ РАВИШДА ҚЎШИШДАН, ФАН БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БИРГА ҚЎШИШНИНГ СОЦИАЛИЗМГА ХОС ЎЗ ФОРМАЛАРИМИЗНИ КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИШДАН ИБОРАТ ТАРИХИЙ МУҲИМ ВАЗИФА ТУРИБДИ.

Л. И. Брежнев.

ЯНГИ МАШИНА — ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

ПАХТАЧИЛИКНИ комплекс механизациялаштириш институт олимлари ва мутахассислари олдига турган асосий проблематик вазифалардан биридир. Институт мутахассислари бу борада катта салоҳият ишларни амалга оширишмоқдалар. Асосий мақсад барча қишлоқ хўжалик техникасидан ҳамма меҳнат жараёнларида комплекс ва самарали фойдаланишдир. Айниш кераки, бу борада аниқгина қувонарли ютуқларга эришилди. Жумладан бу йил қўламда 425 гектар майдонга «Ф-108» — нав чигит 60 сантиметр, 600 гектарга «Тошкент-3» ва «Тошкент-4» навлари 90 сантиметр оралиқда кенг қаторлаб гербицид ва минерал ўғитлар билан бирга қўшиб экилди. Саяжалар билан 12 қаторга чигит ташлаб кетиш билан бир йўлга туртиш операцияси бажарилди. Экин гойя қиёқа мудатларда тугалланди. Каттагина иқтисодий фойда қўрилди, қимматли вақтдан ютилди.

ПАХТА ИГИМ-ТЕРМИНГ ЯНГ ОТИР МЕҲНАТ ЗАРАФИДАН БИРИДИР. Лекин бу қишлоқнинг ўқув-тажриба хўжалигида тўб мулкка сезилмайди. Чунки, барча иш қўпроқ машиналар елкасига юлланган. Масалан, хўжаликда 1970 йили янми пахта ҳосилининг аттиги 33,8 проценти машиналар билан териб олинган бўлса, бу йил 80 проценти янми пахта фақат бунерлардан тўкилди. Бу йил эса, пахта ҳосилининг 90 проценти машиналар ёрдамида терилди. Бутутар Саъдулла Нуржигитов бошлиқ бригада янми ерларда етиштирилган ҳосилнинг юз процентини машиналар билан териб олди. Ажойиб ютуқ!

Институт мутахассислари пахтани қоп-қориса ташини вақтларда БУНГЕР—ТЕЛЕЖКА — ТАЙЕРЛОВ ПУНКТИ системасини аниқ тақомиллаштиришди. Барча дала йўллари асфальтланган, тартибга солинди. Шу билан хўжаликда иғим-терим мавсуми узоғи билан 20—25 кунни ташини этмоқда.

ДЕФОЛИАЦИЯ ПАХТАНИНГ ТЕРИШ ПУНКТИНИНГ ВА МАШИНА ТЕРИШНИНГ СИФАТЛИ ВА ЮҚОРИ САБИЯДА ЎТКАЗИШГА ЕРДАН БЕРУВЧИ МУҲИМ АРТЕХНИК ТАДБИРИД. Маълумки, ҳозирги вақтда асосий катта майдонларда дефолиация ва десикация қишлоқ хўжалик авиацияси ёрдамида ўтказилмоқда. Лекин авиация ёрдамида дефолиация ўтказишнинг жиддий нуқсонлари бор. Бу, айниқса, аҳоли кўп яшайдиган пунктлар ва юқори кучланган элентер узатиш ҳамда алоқа линиялари жойлашган хўжаликларда яққол сезилган. Бундай ерларда самолёт лавим бўлган 5 метр баландликда учоқмайди, дефолиация бир текис ўтмайди. Натияжада дефолиация сифати кескин равишда пасайиб кетади. Ҳаводан турб дефолиация ўтказилганда захарли химикатлар гузаининг юқорида жойлашган баргларигагина ўтмайди. Бу эса, яна қайта ишлов ўтказишни тақозо этади.

Ҳаводан турб қайта ишлов ўтказиш натижасида хўжаликка катта иқтисодий зарар етди. Чунки, авиация ёрдамида дефолиация ўтказиш қиммат турши билан бирга керакдан ортинча захарли моддалар сарфлаб юборилди. Бунинг устига йўллар, тупроқ юзаси, ҳаво ва очик сув манбалари захарли моддалардан зарарланади. Шу туфайли республикада кейинги йилларда экинларга механизаторлар ёрдамида ердан турб ишлов бериш устида катта ишлов олиб боришмоқда. Янги конструкциядаги машина ва аппаратлар яратилмоқда.

ОВХ-14 пуркагич мосламаси бўлган янги конструкциядаги ОВХ-14 машинаси олимларимиз, конструкторлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари билан яқин ҳамкорликда яратилган серумум ва энг қулай агрегатдир. ОВХ-14 машинаси қишлоқ хўжалиги зараркундалари ва касалликларига қарши қимёвий туқтириш, боғлар, тузторлар, йўл чеккаларига химиявий ишлов бериш учун мўлалланган. Пуркагич аппарат Т-28Х-4 тракторига осилиб, 175 градус икки ёнга эркин ҳаракатлана олади. Машинага ҳар бирнинг снгими 320 литр келадиган иккита резервуар ўрнатилган. Агрегат кучли вентилятор ёрдамида 12 қатордан 24 қаторгача масофада гўза қатор оралиғига сифатли ишлов бера олади.

ОВХ-14 машинасининг дефолиация ўтказиш вақтидаги иш унуми соатига 7,4 гектарни ташкил этади. Машинага икки киши — механик-ҳайдовчи ва ёрдамчи ишчи қизмат кўрсатади.

СССР Ҳақ хўжалиги ютқилари нистависа ва бир қатор ҳақларо кўргазмаларда биринчи даражали дипломлар ва катта олтин медалга шазовор бўлган ОВХ-14

агрегати чиндан ҳам ажойиб машина. — дейди институт ректори С. Пулатов. — «Ташхиссельмаш» заводи ишлаб чиқарётган бу машина мамлакатимиз пахтакорларининг катта эътиборини қозонмоқда. Бу серумум машина биринчи марта 1971-72 йилларда бизнинг институт ўқув хўжалигида тажрибадан ўтди. Бу қимматли тажрибанинг маъсулиятини ҳисобга олиб, ўтказилажак тадбирларнинг аниқ плани ва тажрибани ўтказиш программаси ишлаб чиқилди. ОВХ-14 машинаси ёрдамида дастлаб 1200 гектарда дефолиация ўтказилди. Бу тажриба ўрта Чирчиқ райониди қатор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг жуда қизиқтириб қолди. Улар ишчинини мажмуини билан кузатиб, дефолиацияни механизация ёрдамида ўтказишнинг нақадар афзал эканлигига тўла ишонч ҳосил қилишди.

Ўқув-тажриба хўжалигимиз пахта далаларини ОВХ-14 машинаси билан дефолиация қилиш юзасидан ўтказилган тажрибалар қувончли натижалар берди.

БИРИНЧИДАН, гўза тулпарининг тепадан пастгача захарли химикатлар билан тўла ишланганига эришилди. Дефолиация юқори сифатли ўтказилганини учун яна қайта ишлов беришга ҳолат қолмади. Баргларнинг тўкилиши 95—97 проценти ташкил этди. Машина билан ишлов бериш вақтида самолётдан турб дефолиация ўтказилгандаги нуқсонлар қузатилмади.

ИККИНЧИДАН, гўза баргини туқтириш учун сарфланган ҳарajatлар анча кам бўлди. Агар хўжалиқ ҳар гектар пахта даласини самолёт ёрдамида дефолиация қилишга 19 сўм 10 тишини тўлаган бўлса, механизаторлар ёрдамида ердан турб ишлов беришга аттиги 13,53 тишини сарфлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар гектар ер ҳисобига қариб 6 сўм иқтисод қилиб қолди. Бунга агар 1200 гектар пахта майдонига айлантириб ҳисобласак, 7200 рақами келиб чиқади. Бу жуда катта иқтисод! ЛЕКИН ЭНГ МУҲИМИ ДЕФОЛИАЦИЯНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИШДАН ЮТИШДИР. Ҳузаининг барги қанча яхши, тулук тўкилса Ватан хазинасига тўхфа етдиган «оқ олтин»имиз ҳам шунчалки сифатли ва тоза бўлади. Бизнинг ОВХ-14 машинасида ўтказилган тажрибаларимиз ана шунга жуда монанд келмоқда. Мисол тариқасида қўйидаги рақамларни қиёслаб кўриш ўринлидир.

Авиация ёрдамида дефолиация ўтказилган вақтдаги пахтанинг ифлосланиши 1968 йилда — 10,2 проценти, 1969 йилда — 10,8 проценти ва 1970 йилда — 10,3 проценти ташкил этди. ОВХ-14 машинаси билан дастлаб тажриба мақсадларида дефолиация ўтказилган 1971 йилда эса пахтанинг ифлосланиши бориғи 7 процентигача ташкил этди.

Сифатли дефолиация машина теримига энг қулай шарт-шароит яратиб бераётир. Масалан, ОВХ-14 машинаси қўлланганда бошлагич, ҳосилни машиналарда териб олишда кескин бурилиш эсалиди. Чунки, 1970 йилда машиналар билан хўжаликда 408 тонна пахта терилган бўлса, 1972 йилда эл хирмонига 2275 тонна дурдона тўкилди.

Институт олимлари, ўқув хўжалиги мутахассислари, механизаторлар билан ҳамкорликда ўтказган бебаҳо тажриба ўтган йили ўрта Чирчиқ районининг ҳамма хўжаликларида қўлланилди. 20 минг гектардан ортинқ майдонга ОВХ-14 агрегатлари билан сифатли ишлов берилди. Далаларда 98 та пуркагич машинаси ишлади. Уларнинг қулайлиги иш унуми раён бўйича ўртача 2 минг гектарни ташкил этди. Район кўп йиллардан бундан боришчи марта қайта дефолиация ўтказиш ташвишини қуттиди. Ўрта Чирчиқ механизаторлари олдига биринчи бўлиб машинада пахта териш йиллик планини муваффақиятли бажарди.

ЎҚУВ ХЎЖАЛИГИ — ТАЖРИБА МАКТАБИ

ЎҚУВ аудиторияси — тажриба хўжалиги энг замонавий колхоз ва совхозлар — олий ўқув юртида малакали инженер кадрлар тайёрлашнинг асосий қисмидир. Институт ўқув хўжалиги бўлажак инженерлар учунгина эмас, балки малака ошириш факультети тинловчилари учун ҳам намунали ўқув баъаси бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур факультетда институтнинг собиқ талабалари ўз билим ва тажрибаларини оширадилар. Тажриба хўжалиги далаларида улар энг сўнгги фан ютуқларини, илгир тажриба ва янги техника сирларини ўрганишди. Ҳозиргача неча юзлаб мутахассислар янги билимлар билан қўрланган, ўз хўжаликларида қайтиб боришди.

Институт ўқув хўжалигида катта механизатор полигонови мавжуд. Уни механизаторлар тайёрлов мактаби, десак ҳам бўлади. Ҳар йил бу ерда республикамизнинг турли области



ЎҚУВ-ТАЖРИБА хўжалиги пахтазорлари уфқларга туташиб кетган. Серҳосна теп-текис далалар худди ям-йшил гилам тўшаб қўйилганга ўхшайди. Бетон новлардан шарқираб оқётган оби-ҳаёт ўсимликлар танига қон бўлиб югурипти. Суратда: хўжалик пахтазорлари.

ва районларидан келган 500—600 нафар студент ўқиб, механизатор касбини ағаллаб чиқади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш практикаси вақтида 1500—1600 студент турли ишчи касбларини — буёқдоверчилик, тракторчилик, комбайнчилик, механик-ҳайдовчилик ва бошқа шу каби ҳунарларини ағаллашади.

Институт ўқув хўжалигида мана уч йилдирки, саккиз ойлик тайёрлов бўлими ишлаб келяпти. Бу бўлимга колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ўғил-қизлари, завод ишчилари, армия хизматидан қайтган ёшлар қабул қилинади. Тайёрлов бўлимида ҳар йили 235 киши ўқимокда.

Ўқув хўжалиги коллективи, институт студентлари, олимлар ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнатлари муносиб тақдирланган келмоқда. 1972 йилда деҳқончилик маданиятини ошириш бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ кўригида хўжалиқ биринчи ўринни эгаллади. Унга ВЦСПСнинг Фахрий ёрлиғи топширилди. Бундан ташқари, ўтган беш йилнинг якуналари бўйича хўжалик СССРнинг 50 йилгача Тошкент области партия комитети, област ўқув-тарбия комитети ва Облсовпрофининг Ўзбекистон Фахрий ёрлиғини олишга муяссар бўлди. Институтга эса 1971 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени тақдим этилди.



ИНСТИТУТНИНГ тайёрлов бўлимининг аъло баҳолар билан тамомлаётган, бўлажак студентлар навбатдаги машгулот пайтида.

АВТОМАТ „СУВЧИ“ЛАР

ИНСТИТУТ олимлари ва мутахассислари пахтакорлар билан ҳамкорликда пахтачиликни комплекс механизациялаш ва айрим иш жараёнларини эса автоматлаштириш йўлида тинмай ишланмоқдалар, янги самарадор усулларини қидириб топишмоқдалар.

Олимларнинг ер мелiorатив ҳолатини яхшилаш, сувдан тежаб-тежаб фойдаланиш ҳусусида ишлаб чиққан тавсиялари, айниқса, диққатга сазовордир. Бу қимматли тавсиялар ҳозирги кунда ўқув-тажриба хўжалигида ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий қилинмоқда. Мавжуд беш массада муҳим проблематик тажриба ва кузатишлар олиб боришмоқда.

БИРИНЧИ МАССИВ. Майдони 78 гектар. Шолчи етиштиришга ихтисослаштирилган. Массив ҳар бири 20—25 гектарлик учта йиринг участкадан иборат. Катта-катта, кафтдан текис чеклар шолчиордиқда механиканингини туғдирмоқда. Бу ерда барча иш жараёнлари тўла механизацияланган. Урт саяжаларда экилиб, комбайнлар билан йиғиштирилган.

ИККИНЧИ МАССИВ. 500 гектар. Пахта етиштирилади. Гўза нҳоллари академик Шаров системаси бўйича (аъжасиз — ер ости-

фада ўрнатилган ва ер ости қувурларига туташган гидрантлардан сув олади. Бу оригинал сугориш системаси шу йил ишга туширилди.

ИККИНЧИ БЎДИМДА айланма сугориш усули жорий қилинган. Гўзалар бу усулда сугорилганда ортинча сув ерга шимиллиб вертикал дренажлар орқали зовурларга оқиб келади ва у кучли насослар ёрдамида ер ости қувурлари орқали яна далаларга юборилади.

БЕШИНЧИ МАССИВ. 500 гектар. Унда гўзалар параллель жойлаштирилган бешта лотик тармоғидан сув ичади. Улар орасида ёниқ ер ости дренажлари мавжуд. Ўқув-тажриба хўжалигида асосий йиринг сув тармоқларининг ҳаммаси бепотлаштирилган. Хўжаликларда ўт дала алмашлаб экиш системаси жорий этилган.

ПОРЛОК ИСТИҚБОЛ

ИНСТИТУТ ўқув-тажриба хўжалигида қайта қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Бу қурилышлар учун 11 миллион 595 минг сўм капитал маблағ ажратилган. 1968 йилда бошланган қурилиш-монтаж ишлари учун яратилган 9 миллион 961 минг сўм маблағдан ҳозиргача 4 миллион 700 минг сўми ўзлаштирилди.

Хўжалик марказий усадьбасининг киефаси эса тобора шаҳар тусига кириб бормоқда. Сўнгги вақтларда 40 ерда марказий ремонт-механика устaxonаси, қишлоқ хўжалик машиналари учун бостирма, ўқув хўжалиги ишчилари, инженер-техник ходимлари учун катта ҳажмда типовой турар-жой бинолари, икки қаватли идора биноси, пиллаҳона, турт қаватли 350 ўринли ётоқхона биноси, 350 ўринли ўқув корпуси, бригадаларда даниғилма дала шийпонлари, чорвачилик фермаси ва бошқалар қурилиб фойдаланишга топширилди. Яқин кунларда 500 ўринли мактаб, болалар боғчаси, кутубхона ошхона бинолари, стадион ва кинотеатр қурилиши тугалланади.

Институтнинг янги ўқув-лаборатория комплекси қурилиши ҳам тез-суръатлар билан олиб боришмоқда. Комплексини «Гавташкент-строй» 159-қурилиш трестининг қўли гул бинокорлари бунёд этишляпти. СССРнинг 50 йиллик тўйи арафасида қурувчилар студентларга 1100 ўринли меҳмонхона типидида ётоқхона корпусини тўхфа этимди. Яқин келаянда институт территориясидан яна 8 қаватли ўқув корпуси, 2 та замонавий техника билан ахшозлашган лабораториялар комплекси, ҳар бири 300 ўринли туртқа лекция зали, 1.500 ўринли актив зали, 3 та катта спорт зали, 1 миллион 500 минг нусха китоб фондига эга бўлган фундаменталь кутубхона бинолари қад кўтарилди. Ана ўшанда ҳамма шарт-шароитлар тўла муҳайё этилган бу улкан илм даргоҳида 5300 студент таълим олади.

Республикамизнинг бу кеска билим ўчоғи қўтлуғ даргоҳ. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Т. Н. Қўри-Нивезий, академик А. Н. Асқоченскийлар бу институт қучонда бўладик. Бу инженерларга таълим беришган, Академик, атоқли олим Қўри-Нивезийнинг собиқ ўқувчиси Ф. Ш. Шамсуддинов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Малисов, Ленин мукофоти лауреатлари, алоийиб пахта териш машиналарини конструкторлари П. Ф. Глазатов, А. Н. Приходко, Қўрақум қанали, лойиҳаси, авторлари В. И. Крулев, Мирафўли комплекс ўзлаштириш ҳаракатининг иштирокчилари Э. М. Бемикюнович, Д. К. Терсидский ва жуда кўп бошқалар бу маснадда таълим олган.


Студентлар бўлакан ёш инженер мутахассислар танилиш олимлар, етук мутахассислар қўлида таҳсил қўришляпти. ВАСХНИЛнинг мухбир-аъзоси, профессор А. М. Муҳамедов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзолари, профессорлар Г. А. Кашеников, Н. А. Кенисар, фан докторлари Х. А. Аҳмедов, А. Қ. Қашқаров, П. В. Байдуков, П. К. Татур, Н. М. Мақсудов, С. М. Кривонос, Р. Д. Худойбердиев, А. И. Островский, Е. Д. Рождественский ҳамда А. А. Асқаров, З. Х. Хусанхўжаев, СССРда биринчи ирригатор аёл Т. А. Кашпакова сингари ўнлаб республикада хизмат кўрсатган фан арбоблари ўз билим ва бой тажрибаларини умидли шогирдларга баъжонидил ўргатмоқдалар. Уларни беғиёс билим дурдоналаридан баҳраманд этмоқдалар.

Устўлар тақаллумига содиқ бўлган шогирдлар эса бунга жавобан билим мўқддларини ағаллашга интиломоқдалар, меҳнат фронтини да жоноблик кўрсатмоқдалар. Институтнинг Ленин етисенитилари Ҳаким Асқаров, Хопшам Бобоев, Татъилна Еремеева, Бахриддин Носиров, Гулсум Раҳматова, Мамаюсуф Нормуродов, Лола Тоғаева, Тўғихон Жалялова ва шу сингари тайратли, билимдон, ёшлари ана пулар жуфтласиландир. Ҳозир институтда ўнла факультет мавжуд бўлиб, улар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига малакали гидрометеодиораторлар, механизаторлар, ер тузувчилар, электрчилар, гидротехниклар, технололар ва иқтисодий насб ағаларини етиказиб бермоқда.

Институт педагогик коллективи, мутахассислар жоаноян партиямиз XXIV съезди қарорларини оғишмай амалга ошириш йўлида қўлида бўлиб ўтган СССР Олий Совети етисенитилари ёшларга билим беришнинг янада яхшилаш ҳақидаги қарорларидан руҳланиб, бир гайратига ана ўн гайрат қўшиб меҳнат илмомқдалар. Ўн гайрат-янги қимматли илм-тадқиқотлар устида самарали иш олиб бормоқдалар.

Н. ҲИҚМАТУЛЛАЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.



ЎҚУВ-ТАЖРИБА хўжалигининг марказий усадьбаси тобора кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда. Суратларда: (чапда) янги фойдаланишга топширилган ҳар бири 350 ўринли ётоқхона ва ўқув корпуси бинолари. (Ўғида) типовой усулда қурилган янги турар-жойлар.

А. АБЛАЯН фотолари.

